

## Итоатнинг олий мукофоти



16:00 / 20.03.2020 3411

Абу Барза розияллоху анхудан ривоят қилинади: Жулайбиб ансорлардан кичик жуссали, уй-жой ва мол-мулки йўқ камбағал бир киши эди. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларидан биронтасида турмушга чиқадиган аёл бўлса, бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга билдириб, у зотнинг унга ҳожати бор ёки йўқлигини билмасдан олдин турмушга бермас эди.

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ансорлардан бир кишига: «Қизингни менга турмушга бергин», дедилар.

У: «Жоним сизга фидо, бу билан бошимиз осмонга етади», деди.

Шунда у зот: «Мен уни ўзим учун сўрамаяпман», дедилар.

Ҳалиги киши: «У ҳолда кимга?», деди.

Расулulloҳ: «Жулайбига», дедилар.

У: «Онаси билан маслаҳат қилиб кўрай», деди.

У киши хотинининг олдига бориб: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қизингга совчи бўляптилар», деди.

Онаси: «Қандай ҳам яхши, бу билан бошимиз осмонга етади, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга (қизимизни) турмушга беринг», деди.

У киши: «У зот қизимизни ўзларига сўрамаяптилар», деди.

Хотини: «Ундай бўлса, кимга?», деди.

У киши: «Жулайбига», деди.

Хотини: «Шўрим курсин, Жулайбигами? Асло, Жулайбига асло. Йўқ, Аллоҳга қасамки, Жулайбига бермаймиз», деди.

Қизнинг отаси Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга бориб, бу гапни айтиш учун ўрнидан турганида, қиз чодирисида онасига: «Менга ким совчи қўйибди?», деди.

Онаси: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам», деди.

Шунда қиз: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гапларини қайтарасизларми?! Мени Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга топширинг, чунки у зот мени зое қилмайдилар», деди.

Отаси Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдига келиб: «Қизимни сизнинг ихтиёрингизга топширдим», деди.

У зот қизни Жулайбига турмушга бердилар. (Бошқа бир ривоятда: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у аёлга: «Эй Аллоҳ, унга хайр-барака ёғдир! Унинг ҳаётини оғир ва машаққатли қилма!» деб дуо қилдилар).

Ҳазотларидан бирида Аллоҳ таборака ва таоло Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга (баъзи нарсаларни) ўлжа қилиб берган эди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирон кимсани қидиряпсизларми?» дедилар.

Улар: «Фалончи ва фалончиларни қидиряпмиз», дейишди.

У зот: «Мен эса Жулайбибни қидиряпман. Уни ўликлар орасидан қараб кўринг», дедилар. Улар қараб, етти киши ўлдирган, сўнг ўзи ҳам уларнинг ёнида жонсиз ётган ҳолатда ётган Жулайбибни топишди.

Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам туриб: «У етти кишини ўлдирган эди, сўнг улар ҳам буни ўлдиришди. Бу мендандир, мен эса унданман», дедилар.

Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ўзларининг икки муборак билакларига қўйиб кўтардилар. Унинг тобути Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг икки билакларидан бошқа нарса эмас эди. Қабр кавлангач, у зот ўз қўллари билан уни лаҳадга қўйдилар.

Собит раҳматуллоҳи алайҳ Жулайбибнинг аёли ҳақида: «Ансорлар орасида ундан кўра бадавлатроқ бева аёл йўқ эди», деган (*Аҳмад ривояти*).

Юқоридаги ҳадисдан қуйидаги фойдалар олинади:

– Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларга меҳрибонликлари. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларнинг ишларида ўзлари бевосита иштирок этиб, уларнинг яхши-ёмон кунларида шодлик ва қайғуларига шерик бўлишлари ҳамда муаммоларини бирга ҳал қилишлари;

– Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мезонида инсоннинг қадрининг иймони, тақвоси, солиҳ амали ҳамда дини учун қилган фидокорлиги билан ўлчаниши. Бунда унинг камбағаллиги, жисмонан кўримсиз бўлиши, насаби пастроқ бўлишининг аҳамияти йўқлиги;

– Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларини рад қилиш мумкин эмаслиги. Қуръони Каримда бу ҳақда: **«Аллоҳ ва Унинг пайғамбари бир ишга ҳукм қилганида ҳеч бир мўмин ва мўмина учун (уни бажариш ёки бажармаслик) ишларида ихтиёр бўлиши мумкин эмасдир»** (*Аҳзоб сураси, 36-оят*) дейилган.

– Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуоларининг баракаси.

**"Ҳилол" журналининг 8-сонидан**

**Қудратуллоҳ тайёрлади**